

Q'ZBEKISTON

TARIXI

4/2015

HISTORY OF UZBEKISTAN



O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

Тарих масалалари

- Ф. Жуманиязова.** VII–VIII асрларда Тохаристонда халажлар 3
- Г. Таниева.** XVI асрда Россия, Усмонийлар давлати ва Ўрта Осиё хонликлари муносабатларида ҳаж йўли масаласи 13
- Х. Абдурасулов.** Туркистон шаҳарлари бозорлари: мустамлака ҳокимиятининг бозор фаолиятини ислоҳ қилиш ва бошқаришга уринишлари (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошлари) 21
- О. Пуговкина.** Тошкентдаги биринчи ўқитувчилар институти (1915–1917 йиллар.) 29

Этнология

- Г. Зунунова.** Ўзбекларнинг маросимий таомла-ниши: таомларни тақсимлаш шакллари 39

Манба ва таҳлил

- М. Раҳманкулова.** «Арзадашт» ҳужжатида темурийлар даври сарой китобат муассасаси фаолиятига оид баъзи маълумотлар 46

Академик Р. Аминованинг 90 йиллигига

- Д. Алимова.** Ватанимиз тарих фанининг фахри 53

Тарихий биография

- Э. Раджапов.** XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистон миллий ҳарбий элитасининг қатагон этилиши тарихидан: Турғунпўлат Қирғизов тақдири 63

Ёш тадқиқотчи минбари

- М. Азимбаев.** Туркистон генерал-губернатор-лигидаги мадрасалар тарихига доир 73

Тарихчи кутубхонасига

- Х. Жабборов, Қ. Холиқов, Ф. Раҳимовнинг** «Кашқадарё воҳаси аҳолисининг деҳқончиликка оид урф-одат ва маросимлари» монографиясига тақриз 83

Илмий ҳаёт

- Ф. Шамукарамова.** Академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарининг 71-йигилиши ҳақида 86



4

2015

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

Bir yilda to'rt marta
chiqadi.

ТАРИХИЙ БИОГРАФИЯ

Э. РАДЖАПОВ

XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ
ЭЛИТАСИНИНГ ҚАТАҒОН ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН:
ТУРГУНПЎЛАТ ҚИРҒИЗОВ ТАҚДИРИ

Ўзбек халқи тақдирида совет ҳокимиятининг 1937–1938 йиллардаги оммавий қатағон сиёсати фожиали из қолдирди. Айниқса, 1937 йили совет матбуотида «ҳарбийлар иши» деб аталган суд жараёни Ўзбекистон ҳарбий кадрларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1937–1938 йилларда М. Абдурахимов¹, М. Шомирбоев², Ҳ. Исомиддинов³ каби бир қатор ўзбек ҳарбий мутахассислари оммавий қатағон сиёсатининг бегуноҳ қурбонига айландилар.

Қатағонга учраган шундай миллий ҳарбий кадрлардан бири *Турғунпўлат Қирғизов* эди. Маҳаллий матбуот нашрлари бўлган «Қизил юлдуз» ва «Қизил Ўзбекистон»⁴ саҳифаларида унинг шахси ва ҳарбий фаолиятига оид айрим маълумотларгина сақланиб қолган холос. Унинг бутун фаолияти акс этган асосий ҳужжатлар бугунги кунда Россия Федерациясининг Россия Давлат Ижтимоий-сиёсий тарих архиви (РГАСПИ)да сақланмоқда.

Турғунпўлат Қирғизов 1899 йилда Наманган шаҳрида майда савдогар оиласида туғилди. У дастлабки саводини 10 ёшида Наманганда татарлар томонидан

¹ Абдурахимов Муҳаммадали (1903–1938) — 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 42-тоғ-отлиқ полки ҳарбий комиссари. 1937 йил 21 октябрда қамоққа олиниб, «аксилинқи-лобчи» сифатида СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 10 октябрдаги қарори билан отувга ҳукм қилинган. 1957 йилда оқланган.

² Шомирбоев Мирсаид (1901–1938) — 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 42-тоғ-отлиқ полки мактабининг бошлиғи, ҳарбий унвони капитан бўлган. 1937 йил 11 сентябрда қамоққа олиниб, СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 10 октябрдаги қарори билан отувга ҳукм қилинган.

³ Исомиддинов Ҳамид (1902–1938) — 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси 41-тоғ-отлиқ полки штабининг бошлиғи, ҳарбий унвони капитан бўлган. 1937 йил 29 сентябрда қамоққа олиниб, СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 10 октябрдаги қарори билан отувга ҳукм қилинган. 1958 йилда оқланган.

⁴ Қизил юлдуз — Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг нашри. Туркистон fronti штабининг ҳарбий бўлими томонидан 1925 йилдан Тошкент шаҳрида чоп этилган. Ҳозирда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида F-104 рақами билан 1927 йилнинг № 8, 10, 17 сонлари сақланиб қолган бўлса, Россия Давлат кутубхонаси (РГБ)да узбек 4г/45 инвентарь рақами остида 1925–1936 йиллардаги барча сонлари сақланмоқда.

Қизил Ўзбекистон — 1924 йил 5 декабрдан Тошкент шаҳрида нашр қилинган сиёсий-ижтимоий газета. 1924 йил декабргача «Туркистон» номи билан чоп этилган. Ҳозирда — F-85 инвентарь рақами билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎЗР МДА) ва «Турон» ахборот-ресурс марказида сақланмоқда.

очилган мактабда чиқарди. Кейинчалик бу мактаб мустамлака ҳукумати тарафидан ёпиб қўйилгач, у рус-тузем мактабида ўқишни давом эттирди. 1916 йил мактабни тамомлаб, 1918 йилда Наманганда ташкил этилган қизил гвардия сафига кирди. Бу даврда Туркистон мухторияти большевикларнинг қурол кучи ёрдамида давлат сифатида тугатилгач, Кичик Эргаш⁵, Катта Эргаш (?–1921)⁶, Мадаминбек⁷, Шермухаммадбек⁸ раҳбарлигида Фарғона водийсида совет ҳокимиятига қарши совет даври тарихчилари томонидан «босмачилик» дея нотўғри талқин этилган қуролли қаршилик ҳаракати кетаётган эди. Т. Қирғизов қизил армия сафида Фарғона водийсидаги бу ҳаракатнинг кўзга кўринган вакиллари-га қарши турли жанглarda иштирок этди.

⁵ Кичик Эргаш — бўйи кичик бўлганлиги учун шундай аташган. Туркистон мухторияти қўшинига бошчилик қилган. Мухторият большевиклар тарафидан қонга ботирилгач, ўзи туғилиб ўсган Бачқир қишлоғида йигитлари билан совет ҳокимиятига қарши курашни ташкил этган. 1918 йил 27 февралда қизил гвардиячи отрядлар билан бўлган жангда ҳалок бўлган. Бу ҳақида батафсил: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. Тошкент: Шарқ, 2000. 85-б.

⁶ Катта Эргаш (–1921) — бўйи узун бўлганлиги сабабли Катта Эргаш дейишган. Қўқон яқинидаги Бачқир (ҳозирги Фарғона вилояти Бувайда тумани) қишлоғида туғилган. Кичик Эргашдан сўнг Фарғона водийсида совет тартиботига қарши бошланган қуролли қаршилик ҳаракатига раҳбарлик қилган кўрбошилардан бири. 1921 йил 19 декабрда Хонободда қизил аскарлар билан бўлган жангда ҳалок бўлган. Бу ҳақида батафсил: Ражабов Қ.К. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918–1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1994. 47–51-б.

⁷ Мадаминбек (1892–1920) — асл исми Муҳаммад Аминбек бўлиб, 1892 йилда Марғилон атрофидаги Сўкчилик қишлоғи (ҳозирги Фарғона вилояти Тошлоқ тумани)да ўртаҳол Аҳмадбек оиласида туғилди. Туркистонда совет режимига қарши кураш ҳаракати намояндаларидан бири (1918–1920 йй.), Муваққат Фарғона ҳукумати раиси (1919–1920 йй.). Бошланғич мактабда савод чиқаргач, маҳаллий бойлар ва русларнинг савдо дўконларида ишлаган. Биринчи жаҳон уруши арафасида подшога қарши фаолияти учун полиция томонидан қўлга олиниб, 14 йилга Сибирдаги Нерчинск деган жойга сургун қилинган (1914). 1917 йил февраль инқилобидан кейин Мадаминбек озодликка чиққан. «Шўрои Уламо» ташкилотининг раҳбарлари уни Марғилон шаҳар миршаблари бошлиғи лавозимига тавсия қилишган. Туркистонда большевиклар ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллагач, Фарғона вилояти ҳарбий комиссари К. Осипов уни Марғилон милицияси бошлиғи этиб тайинлайди. Бироқ совет режимининг сиёсати уни озодлик учун курашга ундаган. 1918 йил март ойининг бошларида у ўз милиционерлари билан большевикларга қарши курашувчилар сафига ўтган. Мадаминбек ўз атрофи-га: 1000–1500 йигит тўплаб, Марғилон ва Тошлоқ атрофларида қизил аскарларга қарши дастлабки жанглари бошлаган. Бу ҳақида батафсил: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 368–369-б.

⁸ Шермухаммадбек — 1893 йил Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Гарбува (Карбо) қишлоғида туғилган. Ўнг кўзи ожиз бўлганлиги сабабли совет тарихчилари Шермухаммадбекни «Кўршермат» деган ҳақоратомуз ном билан атаб келганлар. Фарғона водийсида совет режимига қарши курашган энг машҳур кўрбошилардан бири. Бу ҳақида батафсил: Хўжаев М. Шермухаммадбек кўрбоши. Тошкент: Шарқ, 2008.

Унинг орзуси профессионал ҳарбий мутахассис бўлиш эди. Шу мақсадда у 1919–1920 йилларда Тошкент ҳарбий мактабида таҳсил олди. Мактабни тугатгач, 1920 йилнинг охирида Туркистон fronti қўмондони М.В. Фрунзе⁹ (1885–1925) кўрсатмаси билан 1920 йилда Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР)га миллий ҳарбий қисмлар ташкил этиш учун юборилди. У билан бирга Миркомил Миршаропов⁹ ҳам бор эди. Бунинг бир неча сабаблари бўлиб, биринчидан, Хоразмдаги маҳаллий аҳоли вакиллари республиканинг келгусида тузилиши режалаштирилган армиясига жалб этиш, улар орасида ҳарбий хизматни кенг тарғиб этиш, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, иккинчидан, совет тартиботига қарши давом этаётган Жунаидхон бошчилигида «босмачилик» (қуролли қаршилик) ҳаракатига қарши курашиш учун маҳаллий шарт-шароитни яхши тушунадиган, маҳаллий аҳолининг тили, урф-одати, географик жойлашувини биладиган маҳаллий миллатга мансуб ҳарбий мутахассислар зарур эди. Кейинчалик ҳам Хоразм Республикасида қизил армия учун зарур бўлган ҳарбий адабиётлар, жиҳозлар ва мутахассислар билан таъминлаш масаласи Туркистон fronti томонидан амалга оширилиб келинди.

ХХСРдаги ҳарбий фаолияти давомида Т. Қирғизов Хива гарнизони бошлиги, Хоразмдаги ўзбек ва туркман отлик қисмларининг қўмондони, Хоразм ҳарбий кенгаши аъзоси ва бошқа бир қатор ҳарбий лавозимларда фаолият юритди. Бу даврда у ўзини кенг мулоҳазали, тадбирли ва малакали ҳарбий мутахассис сифатида кўрсата олди. М. Миршаропов ва Т. Қирғизовларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Хоразмда алоҳида ўқчи батальон ва отлик полки ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хоразм ва Бухоро республикаларининг армиялари миллий-ҳудудий чегараланиш сиёсатидан сўнг ташкил топган Ўзбекистон ССР миллий ҳарбий қисмларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Сабаби миллий-ҳудудий чегараланишдан сўнг ташкил топган Ўзбекистон ССРнинг турли ташкилий тузилмалари қаторида энг муҳим тузилма ҳисобланган миллий ҳарбий қисмларни БХСР ҳамда ХХСРдаги мавжуд ҳарбий қисмларини қайта шакллантирмасдан туриб қисқа муддатда ташкил этиб бўлмас эди.

Хоразмдаги миллий қўшин ташкил этиш, маҳаллий аҳоли вакиллари ҳарбий хизматга ўргатиш, «босмачилик» ҳаракатига қарши ҳарбий ҳаракатларда кўрсатган жасорати учун Т. Қирғизов Хоразм ҳукумати томонидан 1922 йил 23 февралда Хоразм ҳукуматининг ордени, олтин қилич ҳамда тўрт марта фахрий ёрлик, ташаккурномалар билан тақдирланди¹⁰. Бундан ташқари, икки марта «Қизил Байроқ» ордени билан ҳам мукофотланди.

⁹ Миркомил Миршаропов (1900–1938) — ҳарбий арбоб. Авлиёота (ҳозирги Тароз) шаҳрида туғилган. Рус-тузем мактабини тугатган (1914). 1917 йилда Тошкентга кўчиб келган. Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳарбий нозири (1921), нозир муовини (1924). У ХХСРда миллий қўшин тузишга алоҳида эътибор қаратди. Москвадаги ҳарбий академияда ўқиди (1925–1929). 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси қўмондони ва комиссари (1932–1935). 1938 йилда «халқ душмани» сифатида ноҳақ отиб ташланди.

¹⁰ Куценко А.Н. Ордена Советских республик. Донецк: Аспект, 1996. 203-б.

1921 йилнинг сентябрида Хоразм Республикаси Марказий Ижроия қўмитаси (МИҚ) раиси этиб Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов тайинланди¹¹. Унинг бошқаруви даврида ХХСРда кенг қўламли ижобий ислохотлар ўтказилди. Унинг раислиги даврида Хоразмга Москвадан А. А. Иоффе раҳбарлигидаги фавқулодда комиссия юборилди. Хоразмга келган бу комиссия О. Муҳаммадраҳимов бошчилигида Хоразм ҳукумати амалга ошираётган ишларни бекор қилиш йўлини тутди. Аммо О. Муҳаммадраҳимов ҳам қатъият билан А. Иоффедан Хоразм ҳукумати ички ишларига аралашмасликни талаб қилди. У ҳатто Москвадан юборилган А.Иоффе бошлиқ комиссия аъзоларига 24 соат ичида Хоразм ҳудудини тарк этиш тўғрисида ультиматум қўйди. Бу масала юзасидан РСФСРнинг Хивада иш олиб бораётган вакили И.М. Бик ҳамда ХХСР ҳукумати раҳбари О. Муҳаммадраҳимов ўртасида жуда кескин вазият юзага келди. Вазият шу даражага етдики, Хоразм ҳукумати И.М. Бикнинг республикадан чақириб олинишини сўраб телеграммалар жўнатишди. Бундан хабар топган И.М.Бик ўзига ишончли бўлган тарафдорларини тўплаб О. Муҳаммадраҳимов раҳбарлигидаги ҳукуматни зўравонлик йўли билан ағдариб ташлаш учун ҳаракат қила бошлади. Шу мақсадда И.М. Бик 1921 йил 10 ноябрда РСФСР ташқи ишлар халқ комиссарлигига махсус хат билан мурожаат қилди. Хатда: «Хоразмнинг сўнгги ҳукумат раҳбарлари Хоразм халқи учун керак эмас. Ҳукумат бутунлай Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов қўлига ўтди. Миллий масала билан айрим интеллигенция шуғулланади, халқнинг русларга ихлоси баланд ва инқилобий бўлиб, улар ўз тақдирини фақат РСФСР ҳал қилади, деб ишонади»¹², — деб ёзган эди. Шундан сўнг И.М. Бикнинг буйруғи билан Тошҳовуз ва Тўрткўлдаги қизил аскарлар Хивага келтирилди. Кейинги жараёнлар Хоразмнинг давлат «мустақиллиги»ни тан олган РСФСРнинг олиб бораётган сиёсати мустамлакачилик сиёсати эканлигини исботлади. 1921 йил 27 ноябрда И.М. Бикнинг буйруғига кўра Хоразм Коммунистик партияси Марказий қўмитаси, Хоразм Марказий Ижроия қўмитаси, ХХСР Нозирлар Кенгашининг кенгайтирилган қўшма мажлиси чақиртирилди. Мажлисда ХХСР МИҚнинг раиси О. Муҳаммадраҳимов, Хоразм Халқ Нозирлар Кенгаши раиси Менглихўжа Ибниязминов, МИҚнинг иш бошқарувчиси (кейинчалик ўзбек алифбосини латинлаштириш гуруҳида ишлаган — Р.Э.) Мулла Бекжон Раҳмонов ҳамда ижроия бўлимининг бошлиғи Муҳаммаджон Абдалов, молия нозирини Муҳаммад Юсуф Отажонов, дохилия (ички ишлар) нозирини Ҳасан Эрматов, хорижия (ташқи ишлар) нозирини Мулла Ўроз Хўжамуҳаммедов, ҳарбий ишлар нозирини Миркомил Миршаропов, шунингдек, Агайдаров, рус миллатига мансуб Юнгиоровлар «Хоразм халқининг душмани» деб эълон қилинди. Улар эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилиб, қамоққа олиш ҳақида қарор қилинди¹³.

¹¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. Тошкент: Шарқ, 2000. 219-б.

¹² М а т қ а р и м о в М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. Урганч, 1993. 40-б.

¹³ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент: Шарқ, 2000. 619-б.

Номлари кўрсатилган Хоразм ҳукумати аъзоларини қамоққа олиш учун уларнинг уйларига қизил аскарлар жўнатилди. Аскарлар ҳукумат аъзоларининг уйларини тинтув қилганлар, М. Ибниязминов, М. Раҳмоновлар қамоққа олинди. Ҳукуматнинг бошқа аъзолари — Миркомил Миршаропов, Ҳасан Эрматов, Тригулов, Агайдаров, Юнгиоровлар РСФСРнинг Хивадаги ваколатхонаси ихтиёрига берилган ва улар Хоразмдан чиқариб юборилган.

Хоразм ҳудудидан чиқариб юборилган М. Миршаропов ва Ҳ. Эрматовларга нисбатан қўлланилган жазо чоралари юмшатилади. Улар Москвага профессионал ҳарбий таълим олишлари учун ўқишга юборилган эдилар. М. Миршаропов 1924 йил февралда Хоразмга махсус топшириқ билан қайтиб келиб, Хоразм ҳарбий но-зири ёрдамчиси лавозимига тайинланди.

1921 йил 27 ноябрдаги воқеадан сўнг РСФСРнинг Хоразмдаги ваколатхонаси раҳбари И.М. Бик «мустақил» Хоразм Республикасининг мутлақ раҳбарига айланди.

Бу жараёнлар кечган вақтда Т. Қирғизов Тошқовузда бўлиб, бу ерда у татар миллатига мансуб Туркистон fronti командири Сакаев билан учрашган. У Т. Қирғизовга Хоразмда М.И. Бик раҳбарлигида большевиклар томонидан навбатдаги ҳукумат тўнтариши амалга оширилганлиги ва РСФСРнинг Хоразмдаги вакили И.М. Бик буйруғига кўра уни қамоққа олиш учун келганлигини маълум қилган. Сакаев кузатуви ва соқчилар назорати остида Т. Қирғизов Хивага юборилган¹⁴. Хивада у 11 кунлик уй қамоғида сақланиб, сўнгра озод қилинди.

Озодликка чиққач, Т. Қирғизов 1924 йилгача турли ҳарбий лавозимларда хизмат қилди. 1924 йилнинг август ойидан Москва шаҳридаги Бутуниттифоқ ҳарбий академиясига ўқишга кирди. 1927 йилнинг декабрида ҳарбий академияни тамомлаб, Ўзбекистонга қайтгач, Ўрта Осиё ҳарбий округидаги барча жанговар ҳаракатларда ҳарбий раҳбарлар қаторида иштирок этди¹⁵. 1928 йилда Ўрта Осиё бирлашган ҳарбий мактаби (ҳозирги Тошкент Олий умумқўшин билим юрти — Р.Э.)да Т. Қирғизов курсантларга артиллерия фанидан дарс берди¹⁶. Унинг билан бир жамоада Абдулла Авлоний она тилидан, сўнгги Кўқон хони Саййид Муҳаммад Худоёрхоннинг набираси Саййид Азаматбек Худоёрхонув артиллерия отишмаси назариясидан таълим берганлар.

Совет ҳокимияти томонидан Туркистон АССР, ХХСР ва БХСРда бир неча марта тўнтаришлар амалга оширилиб, миллий раҳбар кадрлар, зиёлиларнинг аксарияти қисман йўқ қилинган бўлса-да, совет ҳокимиятининг бу сиёсати 1937–1938 йилларга келиб энг юқори даражага кўтарилди.

СССР Олий судининг махсус иштирокида 1937 йил 11 июнда қизил армиядаги ҳарбий-фашистик фитна билан боғлиқ жиноий иш кўриб чиқилди. СССР қизил армиясининг М.Н. Тухачевский, И.Е. Якир каби кўзга кўринган ҳарбий мутахассислари ўлим жазосига ҳукм қилинди. Шундан сўнг қизил армияда ёппа-

¹⁴ РГАСПИ, 17-фонд, 171-рўйхат, 415-иш, 225-варақ.

¹⁵ Қ а м ч и н б е к А. Ҳарбий академияни тугатган қўмондонимиз // Қизил Ўзбекистон, 1927 йил 6 декабрь. 278-сон.

¹⁶ Н о р х ў ж а е в Ф. 50 йил жанговар постда. Тошкент: Ўзбекистон, 1982. 38-б.

сига қамоққа олишлар бошланди. 1937—1938 йилларда қизил армиядаги маршаллардан тортиб оддий аскарларгача жами 32 мингга яқини қатагон қилинди¹⁷.

Бу жараён кетаётган вақтда Турғунпўлат Қирғизов ҳам 1937 йил 29 майда Ўз ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси (ГУГБ) 4-бўлими томонидан совет ҳокимиятига қарши тарғибот-ташвиқот олиб борганликда айбланиб, қамоққа олинди. Қамоққа олингунга қадар у И.В. Сталин номидаги Ўзбек Олий қишлоқ хўжалиги мактабида ҳарбий таълимдан дарс берган.

Тергов жараёнида уни билган, таниган кишилар — Раҳим Мирзаев, Тўра Зокиров, Ёқуб Боқиевлардан Қирғизовга қарши ёлгон «кўрсатма»лар олинади. «Гувоҳлар»дан Қирғизов 1927—1928 йилларда Москва шаҳридаги ҳарбий академияда ўқиётган вақтда Москвада таҳсил олаётган ўзбек ёшларидан ташкил топган аксилинқилобий троцкийчи гуруҳга аъзолиги тўғрисида маълумот олинган. Аммо Қирғизовнинг ўзи қамоққа олинган кундан то 1937 йилнинг 9 июлигача бўлган даврда «гувоҳлар»нинг ёлгон кўрсатмаларини инкор этади. 1937 йилнинг 9—16 июль кунлари бўлиб ўтган тергов жараёнида ҳам 1927—1928 йилларда Москвада ўқиб юрган вақтидаги фаолияти ҳақидаги барча айбловларни рад қилган.

Тергов ҳужжатларида келтирилишича, бу даврда гўёки Қирғизов Акмал Икромовнинг кўрсатмасига кўра, Москвада, кейинчалик Тошкентда советларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган. Шу сабабли 1930 йил 5 сентябрда ОГПУ (Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси) томонидан қамоққа олинади ва соқчилар назорати остида Москвага юборилади. ОГПУ ҳукми билан Бутирка қамоқхонасида 2 йилу 7 ой сақланади. Бутирка қамоқхонасида ўзига қўйилган сохта айбловлар, тухматларга қарши бир неча бор очлик эълон қилганлиги ҳамда ўзининг тергов ишини тезлаштиришни талаб қилганлиги, унга қўйилган айбловлар ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли Турғунпўлат Қирғизов 1933 йилда Бирлашган Давлат Сиёсий бошқармаси (ОГПУ) Коллегияси томонидан озод этилади.

У узоқ муддатли қамоқ жазосидан сўнг иқтисодий ночор ва бошпанасиз қолади. Шу кезларда Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) ходимлари томонидан унга нисбатан яна янги сохта иш очилади. Аслида узоқ муддатли қамоқдан кейин моддий жиҳатдан қийналиб қолган ва яшаш учун имконият қолмаган Қирғизов Осоавиахим¹⁸ раҳбари Эйдемандан ёрдам сўраб унинг қабулида бўлган. НКВД ана шу вазиятдан унумли фойдаланган ва япон жосуси билан учрашиб, вазифа олган деган сохта айблов асосида иш бошлайдилар. Ёлгон кўрсатмалар, бўҳтонлар билан тўлдирилган тергов баённомаларида келтирилишича, у Москвада япон миллатига мансуб бир киши билан танишган. Япониялик нотаниш Қирғизовнинг ҳолатини билгач, унга Тошкентда Япония фойдасига жосуслик қилишни таклиф қилади ҳамда Ўзбекистондаги ҳарбий

¹⁷ М е д в е д е в Р.А. О Сталине и сталинизме. Москва: Прогресс. 1990. 376-б.

¹⁸ Осоавиахим — 1927—1948 йилларда СССР мудофаага кўмаклашувчи жамият номи. Асосий вазифаси фуқаролар ўртасида ҳарбий билимларни оммалаштириш, мамлакат мудофаа салоҳиятини кўтаришга кўмаклашиш бўлган.

қисмларнинг ҳолати ва миқдори ҳақида маълумот тўплаш, уларни Ўз ССР Осоавиахим ходими Сукин орқали етказиш вазифасини топширади¹⁹.

Тергов жараёнида Қирғизовдан мажбурлаб олинган ёлгон маълумотларга кўра, Тошкентга етиб келгач, у Сукин билан боғланганлиги ва ундан 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси қўмондонлик таркиби тўғрисида маълумотлар тўплаш вазифасини олганлиги тўғрисида «кўрсатма» берган. Булардан ташқари, Қирғизов тергов жараёнида таъкидлашича, у 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг сиёсий бўлим раҳбари Юнус Наримонов²⁰ни Япония фойдасига жосуслик ишига жалб этган ва 1937 йилнинг баҳоригача ундан 7 марта ўзбек дивизияси ҳақида маълумот олган. 1935 йилда Қирғизов Ю. Наримонов билан бўлган суҳбатда «аксилнқилобий ҳарбий ташкилот» бор эканлиги ва унга дивизиянинг қўмондонларини бу ташкилотга жалб этишни топширади. Қирғизовнинг топшириғига кўра, Ю. Наримонов томонидан юқорида кўрсатилган «ҳарбий аксилнқилобий ташкилот»га 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясининг Бурҳон Ҳамроқулов ва Комилжон Толипов каби ҳарбийлари жалб этилган бўлса, Қирғизовнинг ўзи эса М. Шомирбоевни жалб этган²¹.

Т. Қирғизовнинг тергов жараёнида бундай ёлгон кўрсатма беришга мажбур бўлганлигига НКВД ходимлари бўлган А.И. Мишковский ва унинг ёрдамчилари томонидан тергов жараёнида «халқ душмани» сифатида ноҳақ қамалган маҳбуслар қатори уни ҳам ўлар ҳолатга келгунча уриш, тепиш, юзига тупуриш, мушт тушириш, суткалаб ухлатмасдан тик оёқда тургазиб қўйиш каби жисмоний жазо усуллари қўлланилганлиги сабаб бўлган.

Ўрта Осиё Ҳарбий округи Ички Ишлар Халқ комиссарлиги махсус бўлими раҳбари А.И. Мишковский²², унинг қўл остидаги А.Я. Карпачевский²³, А.С. Васильев²⁴ каби ходимлар томонидан 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси ҳарбий кадр-

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи жорий архиви.

²⁰ Наримонов Юнус Мусаевич — 1898 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 19-Ўзбек тоғ отлиқ дивизияси сиёсий бўлими раҳбари. 1937 йил 12 сентябрда Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими томонидан қамоққа олинган. Қамоққа олингунга қадар 19-Ўзбек тоғ отлиқ дивизияси сиёсий бўлими раҳбари бўлган. Ўз ССР ЖКнинг 56-2, 64 ва 67 моддалари бўйича «халқ душмани» сифатида ноҳақ отув жазосига ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 10 октябрда ижро қилинган.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи жорий архиви.

²² Мишковский Александр Иванович — 1902 йил Белоруссиянинг Гомель шаҳрида туғилган. Миллати — рус. 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси махсус бўлими раҳбари бўлиб ишлаган. Унинг раҳбарлиги даврида 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясида хизмат қилган кўплаб ҳарбийларга нисбатан ноқонуний жиноий ишлар кўзғатилган.

²³ Карпачевский Александр Яковлевич — 1904 йил Чкалов шаҳрида туғилган. Миллати — яҳудий. 1936–1938 йилларда 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси махсус бўлимида А.И.Мишковскийнинг ёрдамчиси сифатида ишлаган.

²⁴ Васильев Афанасий Семенович — 1890 йил Заозеро волости Делихово қишлоғида туғилган. 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси махсус бўлимида А.И. Мишковскийнинг ёрдамчиси сифатида ишлаган. Самарқанд шаҳрида вафот этган.

ларининг тергов ҳужжатлари сохталаштирилганлиги, тергов жараёнида уларга нисбатан ғайриинсоний усуллар қўлланилганлиги архив ҳужжатларида ҳам сақланиб қолган. Дивизия қошида махсус бўлимнинг собиқ ходими А.Я. Карпачевский 1939 йил 15 мартда бўлиб ўтган сўроқ пайтида: «Мен тергов ишига алоқадор шахсларга карточка тўлдирар, айбланувчилар ва гувоҳларнинг сўроқ баённомаларидан кимнинг қандай кўргазма берганини кўчириб ёзар эдим. Бундан ташқари, кўпинча Мишковскийнинг буйруғи билан, баъзан унинг ўзи ёки бошқа ходимлар билан айбланувчиларни тунда жазолаш мақсадида тайёрланган зах, цемент полли камерага олиб борар эдим... Агар айбланувчи сўроққа камерадан чақирилган бўлса, дивизиянинг махсус хонасида бир неча кун қолиб кетар эди. Мишковский чиқарган буйруққа кўра, айбланувчининг ўтириб-ётишига рўхсат берилмаган. Агар айбланувчи 6 суткадан 10–12 суткагача бўлган даврда кўрсатма бермаса ёки талаб этилмаган нарсани ёзиб бермаса, Мишковский айбланувчини ўзининг хонасига олиб кетар ёки бу ишни Васильевга топширар эди. Баъзан улар уйқусизликдан мадорсизланган айбланувчини биргалашиб уришар ва шундай йўл билан улардан керакли кўрсатмани олишар эди. Агар айбланувчи кўрсатма бермай, ўз қарориди қатъий турса, Мишковский ва Васильев биргаликда уни юқорида эслатганим — цемент камерага олиб бориб, айбланувчини қамчи билан уришар ва уни камерада кишанланган ҳолда тун бўйи қолдиришар эди. Бу усулга дош бериб, кўргазма бермаган одам зоти бўлмаган»²⁵, — дея кўрсатма берган.

1937 йилнинг 29 сентябрида Қирғизов Ўрта Осиё Ҳарбий округи ҳарбий прокурори Степанов томонидан сўроқ қилинади. Мислсиз қийноқлар, терговчиларнинг ғайриинсоний, кўпол муносабатлари туфайли ҳолдан тойган, адолат ва ҳақиқатга эришиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилган Қирғизов сўроқ давомида айбдор эканлигига «икрор» бўлади. Т. Қирғизов совет ҳокимияти манфаатлари, унинг ҳимояси учун турли ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган, юксак унвонлар билан тақдирланган, номи эътироф этилган ҳарбий мутахассис бўлсада, Сталин даври оммавий қатағонлари уни ҳам аяб ўтирмади.

Турғунпўлат Қирғизовнинг жиноий иши 1938 йилнинг 4 октябрида СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг сессиясида кўриб чиқилиб, Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 57-1, 64 ва 67-моддаларига мувофиқ айбдор деб топилди ва олий жазога ҳукм қилинди. Ҳуқуқий жиҳатдан асосланмаган ҳукм шу куннинг ўзида ижро этилди²⁶.

1953 йилда И.В. Сталиннинг вафоти совет жамиятидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. 1956 йил 14–25 февраль кунлари Москвада Коммунистик партиянинг XX съезди бўлиб ўтди. Съездда Н.С. Хрушчев томонидан Сталин шахсига ситганишни фoш этиш бўйича махфий маъруза қилиниб, унда Сталин оммавий қатағонларда ва қонунчиликдан чекинишда айбланди. Хрушчев бошқаруви даврида ноҳақ айбланган,

²⁵ Каримов Н. Ўзбек дивизиясининг тугатилиши // Гулистон, 2002 йил, 3-сон. 14–15-б.

²⁶ РГАСПИ, 17-фонд, 171-рўйхат, 415-иш, 224-варақ.

қатағон сиёсати қурбони бўлган шахсларни оқлаш (реабилитация) жараёни бошланди. Бу жараёнда Т. Қирғизовнинг ўғли Темур Шомирзаев отасининг тақдири билан қизиқиб, 1958 йил Ўз ССР Прокурорининг ўринбосари: Ҳакимовга ариза билан мурожаат қилади. У ўз аризасида «Менинг отам Қирғизов Турғунпўлат Исабоевич Москвадаги Фрунзе номли ҳарбий академияни тамомлаган. Сўнгги йилларда (қамоққа олинган арафасида — *Р.Э.*) Тошкентдаги партия мактабида ўқитувчилик қилган. 1937 йил НКВД ходимлари томонидан қамоққа олинган вақтда мен 8 ёшда эдим. Отам қамоққа олинган, ота-онасиз қолдим ва мени Шомирзаев (унинг шахсияти тўғрисида бошқа маълумотлар келтирилмаган — *Р.Э.*) ўз тарбиясига олди. Ҳозирда 30 ёшдан ва ҳаво флотда учувчи бўлиб ишлайман. Мен отамнинг кейинги тақдири нима бўлганлигини, тирикми ёки оқланганми билишни хоҳлайман. Ўртоқ прокурор, Сиздан отамнинг ҳужжатларини текшириб кўришингизни ва бу ҳақида менга хабар беришингизни ўтиниб сўрайман»²⁷, — дея мактуб йўллайди. Мактубдан маълум бўлишича, Т. Қирғизов қамоққа олинган, унинг турмуш ўртоғи ҳам «халқ душманининг оила аъзоси» сифатида қамоққа олинади. Сабаби 1937—1938 йилларда «халқ душмани» дея тўхматга учраган таниқли кишиларгина эмас, балки уларнинг турмуш ўртоқлари ҳам эрларининг аксилинқилобий миллатчилик фаолиятларини яшириб келганликда айбланиб, қамоққа олинганлар.

Қатағон қурбони бўлган давлат ва жамоат арбоблари, атоқли адиб ҳамда ёзувчилар қатори Т. Қирғизовнинг «жиноий иши» ҳам 1956 йилда Давлат Хавфсизлик қўмитаси томонидан қайта кўриб чиқилди. СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси томонидан у 1958 йил 15 сентябрда оқланди²⁸.

Т. Қирғизовнинг ҳарбий соҳадаги хизматлари заминидан миллий ҳарбий қисмлар ҳамда миллий ҳарбий кадрларга эътибор бериш масаласи турарди. У маҳаллий миллат вакилларида ҳарбий мутахассислар тайёрламасдан туриб, Ўзбекистонда ҳарбий соҳани юксалтириш мумкин эмаслигини яхши англаб етган эди.

Илк ўзбек ҳарбий кадрларидан бири бўлган Турғунпўлат Қирғизов ўзининг қисқа умри давомида Ўзбекистон тарихида дастлабки миллий ҳарбий қисмларни ташкил этиш, ўзбек миллий ҳарбий кадрларининг янги авлодини етиштириб бериш ҳамда Ўзбекистонда ҳарбий иш тараққиёти учун катта хизмат қилди.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи жорий архиви.

²⁸ РГАСПИ, 17-фонд, 171-рўйхат, 415-иш, 225-варақ.

Э. РАДЖАПОВ

**XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ
ЭЛИТАСИНИНГ ҚАТАҒОН ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН:
ТУРҒУНПУЛАТ ҚИРГИЗОВ ТАҚДИРИ**

Мақолада муаллиф томонидан ўзбек ҳарбий кадрларидан Турғунпўлат Қирғизовнинг шаҳси ва ҳарбий фаолияти Россия Давлат Ижтимоий-сиёсий тарих (РГАСПИ) архиви маълумотлари асосида тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада совет ҳокимиятининг ўзбек ҳарбий кадрларига нисбатан қатағон сиёсати ва бу сиёсатнинг Турғунпўлат Қирғизов тақдирига таъсири ёритилган.

Калит сўзлар: Совет ҳокимияти, қатағон, Турғунпўлат Қирғизов, ҳарбий академия, Туркистон fronti, ХХСР, Миркомил Миршаропов, ОГПУ, НКВД, кизил армия, қуроли қаршилиқ ҳаракати, ҳарбий округ, дивизия.

Э. РАДЖАПОВ

**ИЗ ИСТОРИИ РЕПРЕССИЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ВОЕННОЙ ЭЛИТЫ
УЗБЕКИСТАНА В 30-Х ГОДАХ XX ВЕКА: СУДЬБА ТУРГУНПУЛАТА КИРГИЗОВА**

В статье автор проанализировал личность и военную деятельность узбекского военнослужащего Тургунпулата Киргизова по материалам Российского государственного архива социально-политической истории. Также выявлена репрессивная политика советской власти по отношению к узбекским военным кадрам, в частности, к Тургунпулату Киргизову.

E. RADJAPOV

**FROM THE HISTORY OF REPRESSION OF ELITE UZBEK MILITARY PERSONNEL
IN THE 30S OF THE 20TH CENTURY: FATE OF TURGUNPOLAT KIRGIZOV**

In this article the author has analyzed the military activity and personality of one of the Uzbek military personnel Turgunpulat Kirgizov based on the materials of Russian State Archive of Socio-Political History. The article also reveals the repression policy of Soviet regime on Uzbek military cadre including Turgunpulat Kirgizov.